

ТОНГ ЮЛАЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБОУТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 60 (65936)
1996 йил, 21 август, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Тарбиячи Маргуба опа кичкентойлар билан бояча хайрлашув кечасига тайёргарлик курар экан, бир нарсага эътибор берди.

— Дилшод, айтчи, нима учун сен мустақиллижимиз ва мактаб ҳақида шеър ёдладинг? — суради у гуруҳдаги энг шўх бодандан.

— Чунки биз ҳам мактабга борамиз, ҳам Ўзбекистон озод булган кун.


— Буни сенга ким айтди?

— Узим биламан, ҳамма каталар айтипти.

— Зиёда, сен айтчи, нима учун Ўзбекистон Байроби, Тамғаси, давлат Қомуси, давлат Мадҳияси ҳақида ҳикоя ёзиб келдинг?

— Дадам менга айтдиларки, байробимиз ҳам, гербимиз ҳам, мадҳиямиз, қомусимиз ҳам Ватанимиз тимсоллари — номусимиз экан. Катта булганимда уларнинг қанчалик азиз экан-

Мустақил юрт болалари — иқтидорлидир



лигини янада яхшироқ билиб оларканман.

Маргуба опа бояча билан хайрлашув кечаси олдидан кич-

Пойтахтимиздаги 172-болалар боячининг тайёрлов гуруҳи жажжилари мустақиллижимизнинг 5 йиллигини алоҳида

ҳимизнинг йигирма беш нафар тарбияланувчиси пойтахтимиздаги 23-ва 25-мактабларга уқиши-

ЙИГИРМА БЕШЛАРНИНГ БЕШИНЧИ БАЙРАМИ

кентойлар билан юқоридаги савол-жавобларни қиларкан, яна ишонди: Бегубор қалбли шириントйлар нимаики уйласалар, ниманики кўнгилларига келса, очиқ-оидин айтаверардилар. Тажрибали мураббия бундан жуда шод эди.

кувонч билан қарши олмоқдалар. Ўзининг йигирма йилдан зиёд меҳнат фаолиятини ушбу гуруҳда тарбиячилик бағинлаган Маргуба опа Авезова бу йил ҳам севимли кичкентойлари билан бирга.

— Ушбу йилда тайёрлов гуру-

га боришади, — дейди бояча мудираси Мұхаббат опа Раззоқхужаева. — Тажрибали тарбиячиликаримиз уларга она тили, математика, рассомлик санъати асосларидан пухта билим бердилар. Улар учун мустақиллижимизнинг 5 йиллиги ва даст-



Суратларда: 1. Ватан тимсоллари билан ташшув. 2. Тарбиячилар — ғимхўлар билан хайрлашув пайти.
Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.



ЎҚИГАННИНГ ТИЛИ ИККИ

ҲАМ ЎРГАНИШДИ, ҲАМ ДАМ ОЛИШДИ

Яқинда Бўстонликдан хушхабар келди. «Автомобилист» номли оромгоҳ базасида «Инглиз тилига ихтисослашган» ёзги оромгоҳ ташкил қилинибди. Юқори синф укувчиларига тил органишда амалий ёрдам беришини уз олдига мақсад қилиб қўйтган ушбу оромгоҳда Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган 300 дан зиёд укувчи, 100 дан зиёд укувчилар ҳамда инглиз тили кулиётни талабалари фаолият курасатиштаги.

Болалар учун оромгоҳга келишининг узи булмади. Инглиз тили муаллимлари Тингчлик корпусининг маҳсус талабларига жавоб бера оладиган укувчиларнинг тавсия этиши. Сунгра инглиз тилида савол-жавоб тарзида тест синонумлари бўлиб ўтди. Шундан кейингина оромгоҳга қабул килиниди. Оромгоҳнинг бир куни кичик бир байрамдек, кувноқ таассу-

ротларга бой утгитти. Ўқувчилар кўплаб қизиқарли тадбирларнинг иштироқчилари булишаги. Қувонарларни шундаки, уларнинг ҳаммаси инглиз тилида утказилиши. Турли хил спорт секциялари, расм чизиш, санъат, адабиёт ва сатирик тутараклар болалар билан гавжум. Америка ҳалқининг маданияти билан яқиндан танишиб, инглиз болалари ўйналифтаган ўйнларни ургаништаги. Яна инглиз тилида деворий газета ҳам чиқариштаги. «Ўзбекистон куни», «Ўзбекистон маданияти тарихи» кечаларидан интироқ этиб, уз билимларини инглиз тилида синааб куриштаги. Оромгоҳ ташаббускорлари Бен Калверт, Миган Филиппс ва Жанет Каваллолар ушбу масканида ўтган таътил кунлари болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам ёдамида узок сақланиши учун қўлларидан келган ёрдамларини аяшмаяти.

Чарос ФИЁСОВА

Сентябрь эшик
қоқмоқда

МАКТАБЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Биринчى сентябрь... Бу кун ҳаммадан ҳам чиройли папкасини қулидан қўймай, жажжи бармоқлари билан кун санаётган, бўек ҳиди анқиб турган синфхоналари, дилқаш, сирдоғи дустларининг қувноқ кулгуларини соғиниб кутаётган усмирлар, хуялес, мактабга бориш тараддуидида булган уғилқизларнинг сабрсизлик билан кутаётган куни. Ана шундай байрамона кун арафасида мухбиришимиз Феруза Одилова Республика Халқ таълими вазирлигидаги бўлди. Унинг нияти, мактаблар янги укув йилига шайми? Формалар хусусида қандай янгиликлар бор? Умуман, 1996-97 укув йилида укув даргоҳларида қанақанги узгаришлар булиши мумкинлігини билин эди.

(Давоми 2- бетда)

БАС БОЙЛАШИШ ЎЗИШДИ

Утган укув йили охирида муаллима Дилбар опа икки шогирдининг сұхбатини ўшитиб қолди.

— Таътилининг икки ойидага инглиз тилини шунаңғанги ўзлаштириб олайки, ҳамма ҳайрон қолсин, — деди ҳазизил билан Нигора.

— Кел, унда ким яхшироқ гапиришни урганишга бас бойлаша-

миз, — деди дугонасининг гапи маъқул тушган Нилуфар.

— Яшанглар қизларим, ротпа-роса икки ойдан сунг ҳудди шу инглиз тили хонасида билимингизни узим синааб кураман, — беихтиёр шогирдларининг сўзини давом эттиридистуз.

Ниҳоят уша — келишилган кун икки укувчи ва муаллима инглиз тили хонасида келишиди. Аввалига ким устароқ эканлигини аниқлаш анча мушкул кечди. Чунки уларнинг ҳар бири таътилининг бирор купини бехуда утказишмаган эди. Қайта-қайта саволлардан сунг Нилуфарнинг устунлиги билиши. У хориж тилида савол-жавоблар-

дан ташқари кичик-кичик ҳикоя ҳам айтиб берди.

Нилуфар Тожиқулова Гулистандаги Ҳамид Олимжон номли мактабда барча фанлардан айло баҳоларга уқииди. Инглиз тилини жондан севади, китоб уқишини яхши куради.

— Тонгда китоб уқисам куп нарсани эслаб қоламан, — дейди у, — Ҳозир уйда ойимларга қарашишман, укам Ботиржонни боячага олиб бораман. Дугонам Гулининг олдига чиқиб инглиз тилида савол-жавоб қилиман. Ҳаммадан ҳам мактабимни, ургоқларимни согингим.

Ҳа, Нилуфарнинг орзулари катта, инглиз тилини пухта урганиб, келажакда таржимон булиши.

Нилуфар билан хайрлашпар эканмиз, у инглиз тилида:

— Олажон, бизларни унтутиб юборманг, яна келинг, — деди кулиб.

Феруза ШОДИЕВА.

Шоира Нуритдинова — Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича етакчи мутахассиси:

— Болалар ҳар йилгидек бу йил ҳам оромтоҳларда дам олиб келишиди. Оролбўйи минтақалари — Қорақалпогистон Республикасидан мингдан зиёд бо-

кўйлак, қора юбка. Қолган вақтларда вилоятда қабул қилинган мактаб кийимида юришлари шарт.

Яна бир кўшимча: Янги ўкув йилидан бошлаб уқувчилар муррабийси Низоми тасдиқланди. Унда аввалдаги болалар етакчи си бундан буен УҚУВЧИЛАР

жамият фанининг бир соати ўрнига «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитила бошланади. Булар учун маҳсус дастур ва ўкув қўлланмалар чиқарилди.

Иқтисоддан мактабгача тарбия ёшдаги болаларга ҳам сабоқ берилади. Шунингдек, худди шу ёшдаги болалар учун хо-

МАКТАБЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

лалар Андижон, Тошкент вилоятларидағи энг хушманзара жойларда бўлишиди.

Мактаб формаларига келсак, деярли ўзгариш йўқ. Вазирлик қопига вилоятлардан шу соҳага алоқадор вакиллар тўпланиб, уз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ўкув даргоҳларida бирхил форма кийдиришга келишилди. Шунга кўра байрамларда угил болалар учун оқ кўйлак, қора шим, қизлар учун оқ

МУРАББИЙСИ деб аталаидиган бўлди.

Шукур Пўлатов — Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

— Бошлангич 1-4-синфларда «Иқтисод сабоқлари» фани киритилди. 5-8-синфларда эса «Иқтисод алифбоси»дан билим берилади. 9-синфларда география фанининг бир соати, 10-синфда одобнома дарсининг бир соати, 11-синфларда эса инсон ва

рижий тилларни ўргатиш мақсадида дастур яратиляпти.

1996-97 ўкув йилида янги турдаги мактаблар, яни лицейлар, гимназиялар учун, хунар-билим юртларида уқувчиларнинг билимини баҳолашда кўп балли рейтингнга ўтилади.

Ҳикмат ИСМАТОВ — Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

— 1996 йили 45939 нафар уқувчига мўлжалланган мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишига топширилиши режалаштирилган эди. Йилнинг 7 ойи ичida 9064 ўринли мактаб бинолари, 510 ўринли болалар боғчаси топширилди. 1-сентябрь кунига қўшимча 11000 нафар уқувчига мўлжалланган мактаб бинолари фойдаланишига топшириш кузда тутилмоқда. Капитал таъмирлаш режалаштирилган 802 та мактабдан 657 тасида, 411 та болалар боғчасидан 350 тасида, 27 та мактаб-интернатдан 18 тасида бу ишлар тутатилди.



Оллоҳ таоло жами мавжудотларни озод ва эркин яратган. Қушлар, балиқлар, сер юзидаги ҳайвонлар шу табиатнинг эркин фарзандлари булгани каби инсон ҳам эркин тугилади ва дунеда ҳур озод яшагиси, уз орзуладарни амалга оширгиси келади. Бироқ инсоният уз табиатига кўра озодликка интилгани билан ана шу озодликни бугадиган, бошқаларни узига итоат эттириб, унинг ери ва жойи, макон-Ватанини ўзлаштирадиган, зўрлик билан уз истакларини ёқладиган кишилар бор. Бир миллат иккичи миллат устидан ҳукмон билса, ҳукмон миллатнинг инсон ихтиёри маҳкум миллатнинг қуллиги ҳисобига, ҳукмон миллатнинг тулаби барча миллатларни тенг ҳуқуқли, баробар ва бирордада деган гояни узига шиор қўлган эди. Аммо, аслида СССР таркибидаги рус булмаган мамлакатлар озод ва эркин эмасди. Чунки уларнинг ҳуқуқлари узга миллат ихтиёрида эди.

Узбекистон аввал рус чо-

ризми томонидан кейин большевиклар партияси томонидан мустамлака қилиниб келинди. Биз уз тилимиз ва динимизга эга эмас эдик. Биз уз ихтиёrimiz билан узимизни бошқара олмас эдик. Бизга «Сизлар ҳали вояга стмаган ҳалқизлар.

миз» деб уйқудан уйгонмайсиз. Сизни она тилингизда янтраидиган мустақил Узбекистон мадҳияси уйготади. Сиз уз тилингизда таълим оласиз. Узингизнинг она юртингизнинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оласиз.

Лекин мустақиллик фарзан-

МУСТАҚИЛЛИК ТҮЙҒУСИ

Сизларни бошқариб туриш керак, Сизнинг қадими маданиятинги ўйқ. сизларга биз маданият берсак», — дердилар.

1991 йил 1 сентябрда Узбекистон Республикаси мустақил давлат будди. Узбек ҳалқи узтақдирини узи белгилайдиган будди. Бутун дуне бизнитаниб, тан олди. Ҳуш, мустақиллик дегани нима дегани?

Мустақиллик — аввало уз юртiga, узватанига узи эга бўлиш, уз тили, уз эътиқоди, динини қайта тиклаш, уз тарихи қадриятларини билиб олиш уз кўли билан қуриш демакдир.

Азиз болалар, сиз истиқлол фарзандларисиз, сиз ҳар тонгда «Ассалом рус ҳалқи, булок оға-

ди булиш қанчалик шарафли бўлса, шунчалик масъулиятли ҳам. Сиз улгайганда сиз билан бирга мустақил ватанимизнинг янги шаҳар ва қишлоқлари ҳам улгаяди.

Буюк Узбекистон вужудга келди. Азиз болаларим, мустақил булиш учун жуда кўп нарса керак. Билим, ирова, заковат бўлмаса Ватан мустақиллигини сақлаш қийин бўлди. Узбекистоннинг саноатини ва зарроатини, қудрати ва илмий саноатини келажакда сиз белгилайсиз.

Истиқлол кўп имкониятлар яратган. Лекин биз булардан тута фойдалана олганимиз ўйқ. Богча ва мактаблардаги тарбия



ХХХ

Матъумки янги ўкув йилидан бошлаб 1-синфлар учун лотин алифбосига ўтилади. Шу муносабат билан К. Абдуллаеванинг «Шодлик» («Алифбе»), Т. Гаппо-

ровнинг «Савод» («Алифбе»), Х. Эгамовнинг «Ўзинг бўя ва бажар», «Ўзинг қур ва яса» янги дарслеклари чоп этилди.

Суратда: 110-мактабнинг 1-синфига илк бор қадам қўяётган Муаттар Очилова онаси Саодат опа билан «Болалар дунёси» магазини сотувчиси Дилором Зиётовадан форма ҳарид қилаяпти. Мавлуда опа Орирова ўғиллари Дилшод, Беҳзодлар учун портфель таилашяпти.

Р. АЛЬБЕКОВ сурати.

**Туғилган ер — Ватанинг,
Ватанинг — номусинг**

аста секинлик билан истиқлол руҳига кириб боряпти. Богчаларимизда Узбекистон Мадҳияси ўзбек тилидаги шеър ва қў-

ларнинг шарпаси кезиб юрганга ухшайди. Баъзи бир боғча мактабларимиз ҳақида ҳам шу гапни гапириш мумкин.

Мустақиллик ҳақидаги гоялар мургак юракларга буткул кирган эмас. Биз болалар тарбиясига тутрисини айтганда кам эътибор қилияпмиз шекилли. Бу жиддий ва доимий эътиборни талаб қиладиган соҳадир.

Токи рӯҳ ва фикр озод бўлmas экан мустақиллик моҳиятини идрок этиб бўлмайди.

Мустақиллик буумумий гап эмас. Бу инсонлар вужуди билан, тафаккури билан, ва яшаш тарзи билан шаклланадиган ва намоён бўладиган бир қурдатdir.

Истиқлол беш ёшта тўлди. Истиқлол йили туғилган бола беш ёшта кирди. Ақлини танийи бошлади. Энди узлигини, ота-онасини, Ватанини ҳам таниши керак. У Ватанини келажакда ҳимоя қилиши, яшнатиши керак. Шундай буландагина бизнинг қўнглими хотиржам бўлади, умидларимиз рӯёбга чиқади.

**Нажмиддин Комилов,
Жамият ва Давлат
курилиши
Академиясининг илмий
ишлари бўйича
проректори, профессор.**

ЧИГИРТКА СОТИБ ОЛАМАН

Хеч ким умри қисқа бўлиб тумилмайди

Умрни узимиз қисқартирамиз: агар оқилюна фойдаланилса умр жуда узоқ давом этади, деб ёзган эди бир дошишманд. Одамлар узоқ умр куришини хохлашади-ю аммо узларини кўпам эҳтиёт қилишмайди. Мисол учун, мана мен: Болаликда у қадар қадрига етилмаган соғлик, балоғат йилларида ё бахт эканини англаб етган бўлсан, ҳаётнинг, яшашнинг ширинлигини умримнинг кўпич кетиб ози қолганда тушуниб турибман. Одам юз йил яшамасдан улишга уяладиган булади, деганлар ҳам бор. Назаримда бугун уша уяладиган пайт келгандай. Чунки ҳаммаёдда табобат китоблари чој этилаёт. Агар кимки синчилаб ўқиб, астойдил амал қиласа ҳар қандай дардан фориг булиши мумкин.

РАҲМАТ СИЗЛАРГА

Хурматли «Тонг юлдузи» редакцияси аъзолари, буларни нега сизга ёзяпман? Негаки сизлар ҳам шифобахш ўсимликларнинг ҳосияти ҳақида ёзяпсизлар. Раҳмат сизларга! Болаларимиз соғлиги ҳақида қайғурмоқ энг анижаноб, энг буюк ишдир! Чунки соғлик бўлсагина бахт булади. Саломатлик бўлсагина бахти болалик булади. Соғлик ҳаётнинг шундай неъматидирки, чиндан

ҳам «бетоб подшодан соглом гадоминг карра баҳтиёрdir».

ТАБРИКЛАГИМ КЕЛЯПТИ

Шифобахш ўсимликларни болаларга яна бир карра таништиришга аҳд қўлган ходим, сизни бошлаган эзгу кутлуг ишингиз билан табриклагим келяпти. Негаки сиз бу ишингиз билан бир томондан аввало ҳар бир муҳлисингиз соғлигини сақлашга ҳисса күшсангиз, иккинчи томондан ишонтирибайтаманки, уларнинг табиатга, табиатнинг шифобахш ўсимликларига бўлган меҳрини янада улғайтириб юборасиз. Эзгулик қаламини қўлга олган сиз ва биз болани — бўлажак инсонни ҳар томонлама камолотпирмоқни истаймиз. Токи у бемалол югурадиган, сузадиган, тез ва чиройли одимлай оладиган бўлсин. Унинг тўрт мучаси соғ бўлсин. Қисқаси у росмана соглом одам бўлсин. Дарвоқе, болаларимиз соғлиги — биз оналарнинг соғлиги ҳамдир. Улар соглом экан — бизнинг кўнглимиз тўқ. Улар соғликини сақлаш ёки касалликни тузатиш илмини ўрганар экан — кўнглимиз осмондир. Сузсиз шифобахш ўсимликларни билиб ишлатилса бадан тарбиясида урни жуда катта.

БАДАН ТАРБИЯСИ

Бадан тарбияси — бадан илмидир. Имом Шофъи ҳазратлари илм

икки ҳилдур: бири бадан илми, иккинчиси дин илми дермишлар. Бунга қараганда энг аввал ҳифзи сиҳат қоидаларини билмак саломатликка терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладир.

Шу уринда саломатликка унг, согликини сақлашга қўл келувчи нарсалардан бири шифобахш ўсимликлар экани аен. Шифобахш ўсимликларнинг бадан илми, бадан тарбиясида урни улчовсиздир. Бадан тарбияси эса рух тарбияси-

дир. Бу фикрлар ҳаммамизга таниш, эскию эскирмас «Соф танда сог-



лом ақ» мақолини яна бир бор тасдиқлайди. Соғлом ақи — бу баҳтидир. Бахт эса... «Бахтилизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқдир» деганида дошишманд қанчалар ҳақ!

Хурматли «Тонг юлдузи» редакцияси ходимлари! Сизларнинг

шифобахш ўсимликлар ҳосиятларини болаларнинг севимли газетасида уқтираётганинг болаларнинг соглиги учун, демак баҳти болалик учун катта ёрдамдир. Бадан илмини ўрганишда, қолаверса табиат мұжизаларини англашада бу ёрдам шак-шубҳасиздир.

МАСЛАҲАТ ШУКИ...

Сизларнинг бошлаган бу қутлуг ишингизни табриклар эканман (кунглингизга олмасангиз) бир маслаҳатим бор. Маслаҳат, тугрироғи истак шуки: бирор шифобахш ўсимлик ҳосиятини тушунтирап экансиз, уша ўсимлик, дейлик, алойни қаҷон ва қандай экиш, қандай парваришиш ҳақида ҳамда уларнинг бошқа тилдаги, шунингдек, қадимий атамалари ҳақида маълумот берсангиз. Еки яна дейлик, анжир ҳақида маълумот бераркансиз, унинг яна кишини семиртириши-ю, қонни тозалашпи, энг мұхими, қонни осонгина суполтириши ҳақида ҳам ёзишингиз керак. Яна анжир шоҳи солинса мол гүштидан бошқа ҳар қандай қаттиқ гүштни қирқ минутда ҳил-ҳил пишириш мумкинлигини билиш ҳам қизиқ бўлса керак. Энг қизиги — анжир илдизига ёзиш орқали ҳар битта анжир мевасида ҳар қандай ёзуви ёки расм пайдо қилиш имконият

ти ҳақида маълумот берсанглар жуда зўр бўларди.

Табиб табиб эмас, бошидан утган табиб дейишади. Бошимдан ҳар ҳил касалликлар утди ва утъпти. Соғлигим қадрига болалигимда етмаганим энди қариганимда, хасталигимда жуда билингитти. Афуски, ёшлигимда билишим керак бўлган бадан илми ни энди эгалляяпман. Ҳечдан кура кеч яхши дейишади-ку?

Худога шукрки, мен узимни бир йула ун хил касалим, жумладан ҳеч қаерда шифо топмаганим истисқо (водянка) касалидан ҳам фориг қилияпман. Бунга кўхна китоблар сабаб бўлмоқда. Эҳ, биз қандай шифобахш ўсимликлардан фойдаланмадик дейсиз?! Энди табиимнинг айтишича, менга, чигиртка керак экан.

Қанча кўп бўлса шунча яхши. Чигиртканинг ҳар бир кило-сига нақд пул тулайман. Фақат у сояда қуритилган булиши керак шарт.


Болалар, менга ёрдам беринингизга ишонаман. Уни қандай қилиб даволанишга киритганимни насиб қиласа, албатта сиз билан ўртоқлашаман. Сиздан најот кутиб, камига дуо қилиб қолувчи опангиз Муборак МАВЛОНОВА.

Манзилим: Тошкент шаҳар, Талант кўчаси 4-йи.

Соф юрак — тоғ юрак

мусобақасига — бирдан команда берди у. Болалар шуни кумтоб тургандек футбол майдони томон ўйл олиши.

Пойтахтимиздаги 169-мактаб ҳоблиси ёз давомига ёш спортчиларнинг мусобақа майдони бўлди. Ҳар куни бу ерга футбол, баскетбол, стол тениси бўйича мусобақалар ўтказилар, голиблар турли сорнилар олар эдилар. Шуниси қизиқ эдикни болалар бу ереа фақат беллашиб учун эмас, олимпиада шитирокчилари жаҳон



КАМОЛ ФУТБОЛДА ГОЛИБ

танинг спорт юлдузлари тўғрисида ўқиғалари, кўрган фильмлари тўғрисида сухбатлашиб, мунозара ўтказишга ҳам келардилар.

Яқинда бу ерга ёз билан, таътил билан хайрлашиб учрашуви ўтказилди. Футбол ва тенис бўйича куч синашишди. Кескин ва қизғин ўтган тенис мусобақасида Шоҳруҳ. футболда Камол голиб бўлди.

Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.

ОДАМЛАР УЧУН ЧАЛМАГАНДИ

Айиқларнинг куй тинглаб, рақсга тушганини кўрганимисиз? Фақат циркда дейсизми? Йўқ, циркда эмас, ҳаётда ҳам учраб турар экан. Бологовский туманида булган тўйларнинг бирита қушини қишлоқда яшовчи гармончини таклиф қилишганди. Туй айни қизиган чоғда, гармончи «ўйимга кетаман» деб туриб олибди. Уйдан яна бир оз куй чалиб беринши ҳарчанд илтимос қилишмасин, кўнмабди. Гармонни елкасига илиб йўлга тушибди. Коронга ўрмонда кетатурраб, орқа тарафдан оёқ товушлари қулогига чалингандек бўлибди. Курқомаслик учун куй чала бошлабди. Шунда орқадан ёшилтилаётган дарахт шоҳларининг шитир-шитир тинибди. Гармончи куй чала-чала ҳорибди.

Бироз дам олиб, сигарет чекиб олиш учун каттакон тўнканинг устига

утирибди. Сукунатда яна оёқ товушлари ёшилтилибди. Угирлиб қараса баҳайбат айиқполвон орқа оёқларида турганча, унга қараб ириллаб турганими. Курқиб кетган йуловчи яна жон-жаҳди билан гармон чала бошлабди. Зора айиқполвон курқиб қочиб кетса, хаёл қилибди у. Лекин аксияга булибди, айиқ қочиш ўрнига, худди куй тинглаётган, жойлашиб утириб олибди. Гармончи чарчаган бармоқларига дам берини учун чалишни тұхтатса, айиқ яна ириллай бошлабди. Шу тарика кун еришиб, тонг ота бошлагандагина мусиқа ихлосманди «паҳмоқвой» мамнун қиёфада ўрнидан туриб, ўрмонга кириб кетибди. Курқиб кетган гармончи эса айиқ дараҳтлар орасида кўринмай кеттунча гармон чалишни тұхтатмабди. Одамлар учун куй чалишни истамаган гармончи тун буйи ўрмон хужайнининг димогини чоғ қилиби.



Шунақаси ҳам бўлади

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Мен юрагимни ҳовувлаб уша томонга жўнадим. Ҳадемай кағега етиб бордим. Аста ичкарига кирдим. Жамол... ха, Жамол энг четдаги стол ёнида ўтирас, тагин афт-башараси жудаям бўяворилган иккита қиз ҳам бор эди. Столда француз шампан виносининг шишалари, қиммат сигареталар ва швейцария шоколадлари ётарди. Жамол бармоғида тутаб турган сигаретни кулданга қўймасдан — қўлини силкитиб, бир нималарни қизларга тушунтиради.

Мен уларнинг столига аста яқинлашдим. Жамол менга қарди ва биз ҳар куни кўришиб тургандек қўлини шунчаки узатди. Сунг:

— Қалайсан, Тоҳир? — деда буш стулни суриб қўйди. Кейин стол қиррасига билагини қўйиб, давом этди: — Сени кўп вақтлардан буён кўрмадим. Лекин уни-буни эшитдим. Институтта киромансан, ҳеч қаерда ишламас экансан. Майли. Ҳечкиси йўқ, узим ёрдам қиласан. Яқинда янги магазин очаман. Менга коровул керак. Хотиржам бўл, маошинг уртадан баланд бўлади. Кеча Истанбулдан келдим, ҳар хил майдада чўйдалар опкелдим. Биласан-у, кўйлак бир-икки юзта, костюмлар, хотинларнинг туфлиси — уч юзта, — деда қизларга қараб уларни кўрсатди.

Шунда мен туриб кетмоқчи бўлдим: қанақа туфли, қанақа костюм? Нималар деяпти бу?

Биз у билан уч йил кўришмадик. Лекин бир нарсага дарҳол ишондимки, бу илгариги Жамол эмас.

Менинг у билан гаплангим келмай қолди. Шундай бўлса ҳам савол бердим:

— Жамол, нима учун менга биттаем хат ёзмадин?

— Биласанми, инилар кўп эди, югар-ютур.

Мен ўрнимдан тураётган эдим, у менинг елканинг босди.

— Сабр қил, биз сен билан қанча вақтдан буён кўришмадик. Дарров кетаман дейсан. Мен ҳозир қизларни кузатиб, қайтиб келаман. Конъяк ичамиз, суҳбат қиласиз. Официа-

нткага айтгаман, столдан ҳеч нарсани олмайди. Хўпми?

— Хўп, — дедим зўрга.

Жамол ўрнидан турди, официант аёлга нимадир дели ва столдошлари билан кафедан чиқди. Мен беихтиёр соатта қардим, саккизлар бўлган эди. Сунг чўнгагимдан эзилган арzon сигарет пачкасини чиқардим-да, биттасини чекдим. Қандай ҳолатда, нималарни ўйлаб ўтирганимни айтишим ортиқдир: хулас, икки соат кутдим. Жамолдан дарак бўлмади.

майди. Мен соатимга сунгти бор куз ташладим-да, аёлга бердим. Сунг кафедан чиқдим.

Эскириб қолган курткамниг ёқасини кўтариб, уйга ўйлолдим. Ҳамон ёмғир аямай ёғар, ҳамон совуққина шамол эсади.

Шундан кейин мен уни умуман кўрмадим. Бироқ, ҳозир... у — альбомдаги суратда — пианино ёнида, мен эса — микрофон қошида ва табиийки, биз умрబод дуст бўлиб қолишимизга

туртинчи синф ўқувчиси була туриб, соатига қараради-ю, неча бўлганини айтольмасди. Ха, унга нимадир етишмас эди...

Бир куни дарсдан кейин менинг тўхтатиб, «маслаҳатли гапи» борлигини айтди. Биз майдон четидаги ёғоч ўриндиқча бориб ўтиридик. У «гап»ини бошлади:

— Тоҳир, менга маслаҳат бер, уртоқ... Мен сенга ҳаммасини айтиб бераман, фақат гапимни бўлма...

ЖАҲОНГИР**(КИССА)**

ишонамиз.

Мана, пастроқдаги суратда — раҳматли бувим. Яхши эслайман: болалигимда мен учун жуда қайгуар эди. Мен қуворилган картошкани яхши куардим. Бувим бизнисига келишлари замон картошка арчишга тушардилар. Кейин кину пули берардилар. Бир оқшом қишида опхоналаридан чиқаётib шундоқ сирғалиб йиқилибдилар-у бу оламдан ўтирилар.

У инсондан хотира булиб меҳр қолди, холос...

Альбомнинг навбатдаги саҳифасини очаман. Бунда икки сурат бор. Бирида — мен, иккичисида — синфдоним, уша саккизинчи синфдан бери қамоқда ўтирган дустим Авазбек.

У сал галатироқ эди. Табиатан кўнгли буш, ақли ҳам жойида эди. Бироқ...

Дарс маҳали бир-бири мизниг телефон рақамларимизни ёзиб олаётганда, у энг охирги партадан туриб ва бақириб, бизнинг «номер»ни сўрарди. Ёки

— Хўп.

— Икки кун илгари физкультура дарсида қўшни синфдаги бир боланинг камарини ўтирилди. Биттаси кўрган экан, ўқитувчиларга қашипти. Бугун мени идорага опкиришди. Кирсам, учасковой милиса ҳам ўтирипти. Айбимни бўйнимга қўйишиди. Мен камарни келтириб берадиган бўлдим.

Кейин у: «Бугундан бошлаб бизнинг учётдасан», деди. Қурқиб кетдим. У дедим — бу дедим, фойдасиз... Кейин милисаннинг ўзи олиб қолди мени. Ўқитувчилар чиқиб кетишиди. Кейин, нима дейди де? «Авазбек, сен ақлли боласан. Бунақа ишлар бўлиб туради. Ёшлигимизда биз ҳам қилганимиз...»

— Шундай деди?

— Деди. Кейин айтди, «ўглимнинг велосипеди йўқолиб қолди. Шу маҳаллада яновчи болалардан биттаси олган, албатта. Агар сен ўтиришни кимлигини билиб, менга айтсанг, учётта қўймайман сени, деди. «Шу билан ёниглиқ қозон ёниглигича қолаверади», деди. Тушуняпсанми?

— Ҳа.

— Сен билмайсан, мен — жадайдиман, угирлик ҳам қулимдан келади. Қачондир қамоқча тушишимниям биламан. Биласанми, менинг дадам ҳам, акам ҳам ўгри бўлишган. Шунинг учун мен ҳамма вақт бу милиса зотидан кўрқар эдим. Бугун бўла, уша тартиб-интизомни сақловчи киши ўзининг фойдаси учун менинг сиримни яшироқчи. Қизиқми?

— Жуда.

— Хўп, энди маслаҳат бер, нима қилай?

— Сен велосипед ўгрисини топдингми?

— Ҳа, албатта.

— Хўп, ҳозир мендан нима истайсан?

— Учасковойга айтайнимишукми?

Мен қийин аҳволда қолдим.

— Сен қақимчиларни ёмон курасан-а? — деб сўрадим.

— О, камарни ўғирлаганини кўриб, мени соттан боланинг кимлигини билсам, согўймайман.

— Ундай бўлса, мен сенга ҳеч қандай маслаҳат беролмайман, — дедим.

— У менга икки кун муҳлат берди, холос.

— Кечир, дустим...

Мен кетдим, худди ўлаганимдек — Авазбек милисага велосипед ўгриси кимлигини айтмаган ва милиция ҳисобига (учётга) олинган.

У барibir қамаламан, деб рост айтган экан. Икки йилдан кейин бировнинг ўйига бостириб кириб тунагани учун етийилга кесилиб кетди.

Тавба, буям — қисматмикан? Лекин ухудди шу «қисмат»ни кутиб яшаётгандек эди.

Қизиги шундаки, уни қўлга олган милисалар сафида уша учасковой ҳам бор экан...

(Давоми бор)**Жавобларингизни текширинг**

Газетамизнинг 50-сонида эълон қилинган бошқотирманинг жавоблари

1. «Илиада». 2. «Онажон». 3. Оғаҳий. 4. Машраб. 5. Биноий.

Асарлар: 6. «Орзигул». 7. «Бобурнома». 8. «Навоий». 9. «Одина». 10. «Тумарис». Айланга буйича ҳикмат: «Одабининг боши — тил».

ТОПҚИРЛИК МАШКИ УЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ

Шаклдаги катаклар йўқламасида Узбекистонимиздаги шаҳарлар номи яширинган. Биринчи ҳарфлардан фойдаланиб, энгина ва буйига йуналишида жойлашган, республикамиздаги ўнта шаҳар номини топини билан машқни ҳал этинг. Ушбу шаҳарлар Узбекистоннинг қайси вилоятларида жойлашганлигини биласизми?

**Биласизми?****ЭНГ ЗАҲАРЛИ КУРБАҚА**

Ута заҳарли илон чақиб олган одам албатта ҳаётдан кўз юмиши мумкин. Лекин афусуки, курбақага тегиб кетиб ҳам ҳалок бўлиш ҳеч гап эмас экан.

Куринишидан оддий қурбақага ухшайдиган бу жонивор Чоқо (Колумбия)нинг қирғоқларида япайди. Унинг терисидан ажрайи чиқадиган заҳарга нисбатан илонлар заҳари 30 маротаба кучисиз экан. Колумбиялик хиндулар наизалари учунни шу курбақанинг терисига теккизиз олишар экан.

ЭНГ ЁШ ҚЎМОНДОН

Бельгиялик Годвард III Брабантекий дунёдаги энг ёш қўмондонлардан ҳисобланади. У мамлакат қўшиларини жангга бошлаганда бор-йуги уч ойлик чақалоқ бўлган. Чунки у 90 кунлик бўлганда отаси вафот этиб, таҳти уз-узидан мерос қолган.

Уруш бошланади. Одат буйича герцог армиясини жангга бошлаши зарур. Шунинг утун жанг булаётган яқинидаги дараҳтлар орасига беланчак тортилиб, унга чақалоқни ётқизиб кўйишади. Шундай қилиб, герцог шахсан жанг майдонида бўлади. Эришилган галаба эса унинг номига ёзилади. У шоҳлиқ қилган (1142 — 1190) мобайнида «Ботир» уйонида юради.

Фозилжон ОРИПОВ тайёрлабан.

**ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси**

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора Йўлдошева,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюргма — Г -0442. 7691 нусхада босилди. Қоноз бичими — А-3. Босинига топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кучаси, 32-йи.
- Нашр кўрсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25

